

**С.Н. Ташназаров** – СамИСИ доценти, и.ф.н.,  
**З. Б. Эшпўлатова, Т.Яхёев, М. Олимов** – СамИСИ магистрантлари,  
**Д.С.Ташназарова** – ТДИУ магистранти

## **БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ЎТМИШИ, БУГУНИ ВА КЕЛГУСИ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ**

Бугунги глобаллашув даврида шиддатли тараққиёт даражасига эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Бу бежиз эмас албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”<sup>1</sup>. Президентимизнинг ушбу фикрлари асосида инновацион технологияларга асосланган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботи соҳасида яқин келажакда қандай ўзгаришлар бўлишини тадқиқ этишимиз муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда замонавий инновацион тараққиёти турли касбларда унинг мазмун моҳиятини, функциясини замон талабларига мувофиқлаштиришни талаб этмоқда. Хўп, бу вазиятлар бухгалтерия касбига келажакда қандай ўзгаришишлар олиб келади? Ёки Бухгалтерия касбига талабни кескин йўқотадими? - деган саволларга жавоб мавзунинг долзарблиги бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия касби яратилиши яқин ўтмишдаги нарса эмас. Бу касбнинг ҳам яралиши узоқ тарихга бориб тақалади. Бухгалтерия касбининг дастлабки кўринишлари қадимги Мисрда аниқланган. Қадимги Мисрда милоддан аввалги 3400-2480 йилларга оид бўлган бухгалтерия ёзувлари топилган. Дастлабки бухгалтерия ёзувлари қолипларда тайёрланган лойларга ёзилган ва қуёшда курутилган. Тайёр материалларни қуруқ жойларда сақлашган. Товар айирбошлишлар кўпайиб, олди-сотди жараёнлари ривожланган сари ҳисоб-китоб операциялари кўпайган. Мулқдорлар ўзлари товар олди-сотди жараёнларини рўйхатга олиб борган. Ўша даврларда черковлар банк вазифасини бажарган. Хусусий мулкчилик бухгалтерия касбini тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаган. Дастлаб иккиёқлама ёзув манбалари Шимолий Италияда савдо марказларида топилган. Ўша даврда бу манбаларни етарли даражада тушунмаган. 1494 йилга келиб француз манархи Лука Пачоли “Трактат о счетах и записях” номли асарида иккиёқлама ёзувга асос соглан<sup>2</sup>. Бу ҳодиса бухгалтерияда катта туп бурулиш ясаган. 1773 йилга келиб Бухгалтерлар ассоциацияси ташкил этилган.

Бухгалтерия ҳисобининг кейинги тараққиёти унинг профессионаллашуви ва миллий ҳисоб тизимларининг шаклланиши ва такомиллашиб бориши билан боғлиқ. 1973 йили Бухгалтерия Ҳисоби Халқаро Стандартлари Қўмитасининг ташкил этилганлги ва БХХСларининг ишлаб чиқилишига киришилиши унинг халқаро интеграциясига олиб келди. Бугунги кундаги

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи. 2017 йил 23 декабрь, №258. 2-бет.

<sup>2</sup>Учебник второе издание Бухгалтерский учёт. Издательство ЮНИТИ-ДИАНА 2015, 2005 доктор экономических наук Н.Д.Эриашвили. Стр - 6-7.

траққиёти бевосита молиявий ҳисоботнинг дунё миқёсида горманизациялашуви билан, яъни бутун дунёда молиявий ҳисобот тузиш ва тақдим этиш қоидалари ва ҳисобот форматларининг бир хиллигига эришиш бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг келгусидаги тараққий этишига турли хил қарашлар мавжуд:

Масалан, РФ молия вазирлигининг ходими М. Каргаполова янги технологиялар бухгалтерларни ишсиз қолдирилиши ғоясини илгари сурмоқда. Бугунги кунда давлат бошқарувидаги бир миллион бухгалтерлардан 40 %гача қисқарип кетиши мумкин. Бухгалтерия соҳасида олиб борилаётган операцион жараёнлар ва ҳисоб-китоблар автоматизацияси бир вақтда кўп масалаларни бир тугмача орқали ҳал қиласа бўладиган даражага олиб келмоқда. Бухгалтер фақат мураккаб масалаларни ҳал қилишда иштирок этишлари мумкин.<sup>3</sup>

“Профессияга қўйиладиган талаблар доирасида бухгалтерия ҳисобини, молиявий ва бошқарув ҳисобларини автоматлаштиришни ташкил этишга қодир, шунингдек, ЕРР тизимнинг қўлланилишини таъмин эта оладиган ҳамда АТ билан умумий тил топишни бажара оладиган бухгалтерларгина қолади” – деб таъкидлайди “Ишга жойлаштириш биндлиги психологияси” ҳамкори И. Гольдовский<sup>4</sup>

М. Каргаполова “Классик бухгалтер, қайсики – мен ҳеч кимни хафа қилишни хоҳламайман – жуда кам ўйлади. Бу тарих: ўз вақтида ҳисоботни топшириш, счётларни тақдим этиш, далолатнома тузиш . . . Буларнинг бари кетади. Одатий бухгалтерлар, ҳукуқшунослар (экспертлар эмас) – бу профессиялар яқин 5-7 йил давомида йўқолиб бошлайди” деб таъкидлайди.

“Ҳеч бир машина солиқ қонунчилигининг нозик томонлари ва жиҳатларини ҳисобга ололмайди ҳамда тафаккурни ишлатиш, таҳлил қилиш, қарорлар қабул қилиш ва қандай қилиб солиқларни камайтириш мумкинлигини ҳал қилолмайди. Ҳеч бир автоматлаштирилган тизимда солиқчиларнинг талабларига жавоб ёзадиган тажриба йўқ. У текширув ўтказа олмайди ва ҳисобни тиклайолмайди, олдинги бухгалтерни текшираолмайди– ишонч билан таъкидлайди Л.Монич “Буква аудит” бухгалтерия фирмасининг бош директори.

А. Захарченко профессиянинг йўқолишининг учта сабабларини таъкидлайди. Уларга қўйидагилар киради:

- Автоматлаштириш;
- қисқартириш ва тартибга солиш;
- аутсорсинг<sup>5</sup>

Бухгалтерия сервислари билан шуғулланаётган “Фингуру” корхона раҳбари А. Ермоловнинг фикрича: - “Аввал одамлар счётларда санаганлар ва ҳамма бухгалтерия ахборотларини биттама-битта қоғозга тушурган.

<sup>3</sup><https://www.audit-it.ru-Статьи-Статьи по бух.учету и налогообложению –бух учет и налоги – новости изменения в учете и налогообложении от 18 октября 2016 г.>

<sup>4</sup>[Зарплата.ру](#)

<sup>5</sup>[www.interbuh.com.ua](http://www.interbuh.com.ua)

Кейинчалик компьютер дастурлари ҳисоб-китобларнинг бир қисмини ва ҳисоботларни ўз зиммасига олган. Бугунги кунда ҳеч ким қоғоз вариантида ҳисоботларни солиқ органларига олиб бормайдилар, факат электрон топширишлар амалга оширилмоқда. Банк қўчирмаларни битталаб бухгалтерия маълумотлари қўл ёзма орқали киритилмайди, бу тизим ҳам бугунги кунда автоматлаштирилган бўлиб, бир тугmani босишда ҳамма керакли маълумотлар компьютер вариантида олиниши мумкин. Бирламчи хужжатларни ҳам автоматлаштирилган тизим орқали компьютерларга киритилиб оборот ведомостларини тайёр ҳолда олса бўлади.”

Юқоридаги Россиялик олимларнинг фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Биз бугунги кунда бухгалтерлар факат ҳужжатлаштириш, далолатнома тузиш, счёtlарни юритувчи, ҳисоб-китоб қилувчи, ҳисоботларни тузиб бошқарувчиларга тақдим қилувчи мутахассис деб қарайдиган бўлсак, бу мутлоқо тўғри бўлмайди. Замонавий бухгалтер бу молиявий бошқарувчи. Бизнинг фикримизча бухгалтерия касби йуқолиб кетмайди. Тўғри, автоматлаштириш орқали учта одам қилаётган ишни битта одам қилишларига эришиш мумкин, лекин ҳисоб-китоб тўхтамайди. Чунки ҳисоб-китоб йўлга қўйилган жойда тўғри ва аниқ аҳборотлар олинади ва равshan қарорлар қабул қилинади. Бу ишларни эса албабат бухгалтерлар ўз вақтида бажариб борадилар. Ҳар бир маълумотларни бухгалтерия касбини тушунган мутахассис киритиши лозим. Масалан, ҳеч қайси автоматлаштирилган тизим солиқ олинишини тўғри ва солиқ Кодексига мувофиқ ҳисобланайтганлигини аниқлаб бера олмайди. Маълумотларни таҳлил қилиб тўғри қарорларни қабул қилиш факат инсоннинг тафаккури билан ҳал бўлади. Шунинг учун бухгалтерия касбига талаб токи тарақиёт мавжуд экан ва иқтисодий ўсиш кундан кунга ривожланиб бормоқда экан мавжуд бўлади.

Ушбу соҳанинг мазмун моҳияти, функцияси, менежментда иштирокида туб ўзгаришлар рўй беради. Биз бундай ўзгаришларга қуйидагиларни киритишини мақсадга мувофиқ деб биламиш:

- Бутун дунёда, жумладан, мамлакатимизда МХХСлари кенг жорий қилинади. Кейинги 20-30 йил ичida бутун дунё даражасида **молиявий ҳисботнинг ғорманизациясиға** эришилади. Бу дунё миқёсида бир хил молиявий ҳисботга эришиш дегани. Ушбу жараёнга тез ўтишимиз учун мамлакатимизда бухгалтерларнинг профессионал институтлари орқали МХХСларни жадал қўллашимиз, кадрларимизни хорижий мамлакатларда МХХСлари бўйича малака оширишини ташкил этишимиз, МХХСлари бўйича маҳсус дастурларни жорий қилишимиз керак. Бу кечиктириб бўлмайдиган масала ҳисобланади;

- Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот тизимиға замонавий инновацион технологиялари, жумладан, аҳборот технологияларининг кириб келиши маҳсус дастурлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисботни тузиш ва тақдим қилишга эришишга олиб келади. Бухгалтерлар томонидан бажариладиган техник ишлар, ҳужжатлаштириш, счёtlарни юритиш, ҳисоб-китоблар тўлиқ компьютер зиммасига ўтади.

Бундай шароитда бухгалтерлар молиявий менежерларга айланади. Мукаммал ҳисоб сиёсатини ҳеч бир ахборот дастури тузиб беролмайди, кўлланиладиган методларни компьютер эмас менежерлар танлайди. Бухгалтерлар молиявий менежмент билан шуғулланади. Корхонанинг молиявий ва бошқарув ҳисоботи маълумотлари асосида молиявий ҳолатини таҳлил қиласди, йўл қўйилган камчиликлар, ортиқча сарф харажатларни аниқлайди. Уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Ахборотлар асосида корхонанинг молиявий ҳолатини яхшилаш бўйича қарорлар қабул қиласди. Моддий ва молиявий маблағларнинг ҳаракати устидан назоратни олиб боради.

- Таннархни камайтириш йўлларини кўрсатиб берадиган таннарх ҳисоби, бюджетлаштириш, стратегик режалаштириш қамраб олган менежмент бухгалтерия ҳисоби ривожланиши керак. Бошқарув ҳисоби компанияларнинг ахборот базасига айланади.

- Дунё даражасида ягона молиявий ҳисбот, молиявий таҳлил ҳамда қарорлар қабул қилиш асослари ривожланади. Тайёрланаётган мутахассисларнинг шу йўналишдаги компитенцияларини шакллантиришга алоҳида аҳамият қартиш керак.

- Молиявий менежмент бухгалтерия ҳисоби таркиби сифатида кенг ривожланади. Яқин 10-15 йилла ичиди тўлиқ бухгалтерлар молиявий менежерларга айланади. Молиявий менежерларни тайёрлаш тизимиға ўтишимиз керак.

Юқоридаги фикрлар асосида хулоса қилишимиз мумкинки, бухгалтерия ҳисоби ўзининг маълумотларни тўплаш, баҳолаш, ишлов бериш, счёtlарни юритиш, ҳисбот тузиш каби функцияларини ахборот технологияларига узатади. Умумий бухгалтерия ҳисоби ўзининг ҳисботларни тақдим қилиш функциясини тўлиқ молиявий ҳисботга ўтказади. Молиявий ҳисбот, молиявий таҳлил, молиявий менежмент, менежментлик ҳисоби ва қарорлар қабул қилиш асослари ривожланади.

